ЧИГИТ ЭКИШНИ ТЕЗ ВА СОЗ ЎТКАЗАЙЛИК

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР! ● ҲАВО ЮРИШИБ КЕТДИ. ● ФУРСАТ ҒАНИМАТ. ● ҲАММА ЕРДА СИФАТЛИ ТАЙЁРЛАНГАН МАЙДОНЛАРГА ЧИГИТ ЭКИШНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК. ● АГРЕГАТЛАРНИНГ ТЎЛА ҚУВВАТ БИЛАН ИШЛАШИГА ЭРИШИНГ. ● УЯЛАРГА АНИҚ МИҚДОРДА, КЕНГ ҚАТОРЛАБ ЧИГИТ ЭКИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК. ● ЧИГИТНИ ЕРНИНГ ТАБИИЙ НАМИГА УНДИРИБ ОЛИБ, ГЕКТАРЛАРДА ҚЎЧАТЛАРНИНГ БУТ БЎЛИШИ УЧУН ШУ ҚУНЛАРДА ЗАМИН ЯРАТИНГ.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 68 (6958). | 11 апрель, 1979 йил ◆ ЧОРШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

МЕҲНАТ БАЙРАМИГА

Республикамиз пойтахтининг Куйбишев райони меҳнаткашлари москваликларнинг шу йилнинг 21 апрелида улуғ доҳий Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 109 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббусини бир овоздан маъқулладилар. Райондаги барча корхоналар ва ташкилотлар, муассасалар ва идоралар коллективлари бу коммунистик меҳнат байрамида фаол қатнашиш, унинг ҳар томонлама самарали ва уюшқоқлик билан ўтишига эришишга аҳд қилдилар.

Шанбаликда район бўйича 102 мингдан ортиқ киши иштирок этади. 12220 киши бевосита ўз меҳнат постини эгаллайди. Улар станок ва дастгоҳларни бошқарадилар, қурилиш майдонларида яратувчилик меҳнати билан шуғулланадилар, автомашиналарни бошқариб, халқ хўжалик юкларини белгиланган манзилга етказиб берадилар. Ишчи-хизматчилар шу куни ҳаммаси бўлиб 1 миллион 285 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Оддий кунлардагига нисбатан анча кўп турли-туман машиналар, енгил саноат маҳсулотлари ва озиқ-овқатлар ишлаб чиқарилади. Бунёдкорлик ишларида ўнларча минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилади.

Район меҳнаткашлари шанбаликда кенг миқёсда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш режаларини тузишган. Шу куни ўнларча минг хизматчилар, студентлар ва ўқувчилар район территориясининг санитария ҳолатини яхшилашда иштирок этадилар. Ҳаммаси бўлиб 99 минг квадрат метр жой тозаланади. 51 минг туп дарахт ва гул кўчатлари экилади. Шанбаликда тушадиган 71 минг сўмликдан кўпроқ маблағ ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

О. ИСРОИЛОВА.

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

Яқинда республика пахта уруғчилиги станциясида тантанали митинг бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари бир овоздан қизил шанбалик кунини бир тан, бир жон бўлиб меҳнат байрамида иштирок этишга аҳд қилдилар. Шу куни 3 гектар майдонга тажриба тариқасида турли хил районлаштирилган пахта нави экилади. Станция территорияси ободонлаштирилади. Бу ишларга ҳозирданоқ пухта ҳозирлик кўрилаётир.

* * *

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»га қарашли 2-йирик панелли уйсозлик комбинатининг 2-заводи коллективи ленинча коммунистик шанбалик куни юқори меҳнат унумдорлигига эришиш режаларини тузиб чиқди. Бу куни В. Гареев бошлиқ бригада аъзолари икки смена нормасини бажаришга бел боғладилар. Улар 50 кубометр темир-бетон плиталари ишлаб чиқаришади. Б. Абдурахмонов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси коллективи эса 12 кубометр йиғма-темир бетон плиталари тайёрлашга аҳд қилди.

Заводда меҳнат байрамида жами 200 кубометр йиғма темир-бетон плиталар тайёрланади. Шундан 100 кубометри йил бошидан бўён тежалган цемент ва пўлат арматуралар ҳисобига ишлаб чиқарилади.

Б. НОСИРОВ, қурувчи.

* * *

Грампластинка заводи республикамиз пойтахтининг пешқадам корхоналаридан ҳисобланади. Унинг меҳнатсевар коллективи ишлаб чиқариш жараёнларини тинмай механизациялаш, замонавий асбоб-ускуналарни жорий қилиш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш туфайли давлат планларини муттасил тўла ва зиёдаси билан бажариб келмоқда. Ишчи-хизматчиларнинг ўтган кварталдаги меҳнати натижаси ҳам анча самарали бўлди. Қўшимча ўнларча минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Корхона ишчи-хизматчилари шу куиларда коммунистик шанбаликка ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрмоқда. Коллектив шу куни энг юқори меҳнат кўрсаткичига эришишга аҳд қилди. Шанбаликда ҳаммаси бўлиб 35 минг дона пластинка тайёрланади. Бу оддий иш кунларидагига нисбатан бир неча минг дона кўпдир. Уни ишлаб чиқаришда 300 дан ортиқ киши иштирок этади.

Умум корхона бўйича шанбаликда 750 киши қатнашади. Уларнинг кўпчилиги ободонлаштириш ишлари билан шуғулланади. 2 минг квадрат метрдан ортиқ майдон тозаланади. 20 тонна металлом йиғилади. Шу куни тушадиган 3700 сўмлик иш ҳақи ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

О. ЗОКИРОВА.

* * *

Ангрен керамика комбинатининг меҳнатчилари Коммунистик шанбаликни зарбдор меҳнат билан нишонлайдилар. Бир қанча смена ва участкаларнинг коллективлари «Қизил шанбалик» куни тежаб қолинган хом ашё ёқилғи, электр энергия билан ишлашга қарор бердилар. Чунончи нақшли плитка цехи тежаб қолинган материаллар ҳисобига 980 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Плитка цехининг ходимлари илгари тежаб қолинган воситалардан фойдаланиб 500 квадрат метр ҳар хил плиткалар ишлаб чиқарадилар. Санитария-техника цехидан тайёр маҳсулот омборига юзлаб ҳар хил буюм чиқарилади.

(ЎзТАГ мухбири).



Мўл ҳосил етиштиришда ҳал қилувчи дамлар бошланди. Ҳамма ерда чигит экиш қизғин тус олиб кетди. «Оққўрғон» совхози миришкорлари ҳам бу ишни тез ва соз ўтказиш учун курашмоқдалар. Суратда: совхознинг иккинчи бўлимидаги Н. Нуриев звеносида чигит экиш пайти. Ҳ. Аввалов фотоси.

ҒАЛЛА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРАМИЗ

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини бажзра бориб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, 1979 йил социалистик мажбуриятларини ва умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирдилар.

1978 йилда область хўжаликларида қабул қилинган социалистик мажбуриятга қўшимча 21 минг тоннадан кўпроқ дон етиштирилди. Қабул пунктларига 110,8 минг тонна дон етказиб берилди. Бу белгиланган харид ҳажмидан 1,6 марта кўпдир.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари қарорларига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган илғор маккажўхоричилик бригадалари коллективларининг республикадаги барча маккажўхорикорларга Очиқ хатига жавобан область ғаллакорлари 1979 йилда камида 250 минг тонна дон, шу жумладан 115 минг тонна маккажўхори дони, 55 минг тонна шоли етиштиришга, давлатга камида 110 минг тонна дон сотишга қарор қилдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети 1979 йилда ғалла ҳосилдорлигини ошириш, ғалла етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг 1979 йилда ғалла ҳосилдорлигини ошириш, ғалла етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан социалистик мусобақаси шартларини маъқулладилар. [Мусобақа шартлари бугун газетанинг 3-саҳифасида эълон қилинмоқда].

Ғалла ҳосилдорлигини ошириш, ғалла етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтиришда юксак натижаларга эришган социалистик мусобақа илғорларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг илғор районлар, колхозлар ва совхозларга бериш учун учта кўчма Қизил байроғи таъсис этилди. Кўчма Қизил байроқ билан бирга социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратилади.

Йил якунларига кўра бу кўчма Қизил байроқлар социалистик мусобақада энг яхши кўрсаткичларга эришган районларда, колхозларда, совхозларда доимий сақлаб қолиниши ҳам белгилаб қўйилди.

Район партия комитетларига, район ижроия комитетларига, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзлари район комитетларига, район комсомол комитетларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига, партия, касаба союз, комсомол комитетларига дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш, ғалла етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларининг муддатидан олдин бажарилиши учун хўжаликлар ва бригадалар ўртасида оммавий равишда социалистик мусобақа ташкил қилиш вазифаси юклатилди. Социалистик мусобақада юксак натижаларга эришган ғаллакорларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг қўшимча тадбирлари белгиланиши лозим.

Область партия комитетининг қишлоқ хўжалик бўлимига, район партия комитетларига совет, касаба союз, комсомол органлари билан биргаликда дон ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топшириш даврида социалистик мусобақани ҳар беш кунда якунлаш, илғор районлар, колхозлар ва совхозларни, бригада коллективларини, йиғим транспорт отрядларини аниқлаш ва уларга ўз вақтида кўчма Қизил байроқларни ҳамда социалистик мусобақа шартларида белгиланган моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг бошқа воситаларини топшириш таъминлаш вазифаси юклатилди.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталар редакцияларига, область телевидение ва радио эшиттириш бош редакцияларига область ғаллакорларн социалистик мусобақасининг боришини, илғор колхозлар, совхозлар ва бригадаларнинг маккажўхори дони, шоли ва бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил олиш соҳасидаги илғор тажрибаларини мунтазам ва кенг ёритиб бориш топширилди.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг 1979 йил ҳосили учун тайёргарлик кўриш ишлари комплексини ўз вақтида ва сифатли бажариш юзасидан районлар, «Узгоскомсельхозтехника» район бирлашмалари, область сув хўжалиги органлари ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасидаги социалистик мусобақанинг шу йил 1 апрелгача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Ғалаба** районига (район партия комитетининг секретари **А. Б. Сандхўжаев**, район ижроия комитетининг раиси **В. Ф. Шек**, қишлоқ хўжалик ишчи ва хизматчилари касаба союзи район комитетининг раиси **Ан Ман Хо**, район комсомол комитетининг секретари **И. Абдуҳоликов** ўртоқлар) берилди.

Бу район меҳнаткашлари 1979 йил ҳосили учун тайёргарлик ишлари комплексини бажаришда юқори сўрсатларга эришиб, органик ўғитлар жамғариш ва уларни далаларга олиб чиқиш, куч-насос агрегатлари ва гидротехник иншоотларни ремонт қилиш топшириқларини юз процент бажаришди. Ўн кунлик топшириқ ҳамма турдаги тракторларни ремонтни бўйича юз процент, қаймоғи олинмаган сут ўрнини босувчи маҳсулот тайёрлаш бўйича 116 процент, дағал хашакни майдалаш ва суюқаралаш озуқа тайёрлаш бўйича юз процент бажарилди.

Байроқ Янгийўл районидан олиб берилади.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Оққўрғон район** бирлашмасига (бошқарувчиси **Б. Жуманиёзов**, партия ташкилоти секретари **Бойбутаев**, касаба союз ташкилоти раиси **В. С. Дедяев**, комсомол ташкилоти секретари **Р. Сопиназаров** ўртоқлар) берилди.

Бирлашма коллективи белгиланган топшириқни ҳамма маркадаги тракторлар ремонти бўйича 102 процент, шу жумладан, ҳайдов тракторлари бўйича 109 процент, пахта сеялкалари бўйича 100 процент бажарди.

Байроқ «Узгоскомсельхозтехника» Қалинин район бирлашмасидан олиб берилади.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Чиноз машина-экскаватор станциясига** (директори **Ф. Шайхов**, партия ташкилотининг секретари **Л. И. Котова**, ишчилар комитетининг раиси **А. И. Исахонов**, комсомол ташкилотининг секретари **Т. А. Гайкалова** ўртоқлар) берилди.

Станция коллективи ирригация тармоқларини тозалаш юзасидан белгиланган топшириқни 106 процент бажарди.

Байроқ «Ташоблмелиоводстрой» қурилиш бошқармасининг тўртинчи механизациялашган кўчма колоннасидан олиб берилади.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Ғалаба ва Калинин районларига, «Узгоскомсельхозтехника» Оққўрғон район бирлашмасига, Чиноз машина-экскаватор станциясига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

Район партия комитетларига, район ижроия комитетларига, қишлоқ хўжалик ишчи-хизматчилари касаба союзи район комитетларига, район комсомол комитетларига 1979 йил ҳосили учун тайёргарлик ишларини ўз вақтида сифатли бажариш юзасидан хўжаликлар, «Узгоскомсельхозтехника» район бирлашмаларининг ишлаб чиқариш бўлинмалари, сув хўжалиги ташкилотлари ўртасида уюштирилган мусобақага якун ясаш вазифаси юклатилди.

Кузги-қишки тадбирлар комплексидаги айрим кўрсаткичларнинг бажарилмай қолиши сабабларини кўриб чиқилиб, кўкламги экиш мавсумини намунали ўтказиш учун йўл қўйилган камчиликларни тезда тугатиш чоралари кўрилиши зарур.

ЯЙЛОВ БАҲОДИРЛАРИ

ҚАЛИНИН РАЙОНИДАГИ БАЙРОҚДОР ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ ҚЎЙЧИЛИҚ СОВХОЗИ ЧОРВАДОРЛАРИ ҚЎЗИЛАТИШ ПЛАНИНИ ОШИРИБ БАЖАРДИЛАР.

Сўлим баҳор. Табиат янгидан жонланиб, далалар, қир-адирларга майсалардан гилам тўшалган. Айниқса, Келес массивидаги яйловларнинг шу кунлардаги ҳусни жамоли, таровати ўзгача. Бу йил баҳор серёғин келиб ўт-ўланлар гуркираб ўсди. Чўпонлар учун бу ғоят нашъали ва кувончлидир. Улар қиш бўйи бундай дамларни орзиқиб ва интиқлик билан кутган эдилар. Шу мақсадда қишловни соз ўтказиш учун куч-ғайратлари, илмларини аямадилар. Қўй-қўзилар қишдан соғлом олиб чиқилди.

Адирлар ўртасидаги илон изи йўллардан ўтиб борасиз. Ана тўда-тўда қўй сурувлари. Қўзиларнинг маъраши бу яйловда алоҳида завқ бағишлайди кишига. Булар Калинин районига қарашли Охунбобоев номли қўйчиликка ихтисослаштирилган совхозга қарашли отарлар.

Ҳозирги кунда совхозда неча ўн минглаб қўй боқилмоқда. Хўжаликнинг экономикаси йилдан-йилга юксалиб бораётир. Ҳар йили совлиқлардан қўзи олиш, давлатга жун ва гўшт топшириш планлари ортиғи билан бажарилади. Бунинг эвазига катта даромад олинмоқда.

Ўтган йили ҳам совхоз чорвадорлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, бутун ёз давомида фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилдилар. Хўжаликнинг иқтисодий кўрсаткичлари юксалди. Барча соҳалар бўйича олинган план ва социалистик мажбуриятлар оширилиб бажарилди. Энг муҳими шуки, яйловларнинг самарадорлиги, қўйларнинг маҳсулдорлиги ортди. Шунинг учун ҳам совхоз ўтган йил якунига мувофиқ социалистик мусобақа ғолиби, деб топилди ва у республика партия ва ҳукуматининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди.

— КПСС Марказий Комитети июль Пленуми, — дейди совхоз директори тажрибали чорвадор Аббосхўжа Бакиров куни кеча бу байроқни қабул қилиб олар экан. — Биз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари, хусусан, чорвадорлар олдига янги-янги вазифаларни қўйди. Бўлимларга, отарларда Пленум асосларида иш кучайтириб юборилди. Биз ана шу Пленумда ўртоқ Л. И. Брежневнинг қўйчиликдаги катта резервга эътибор бериш керак, деб айтган сўзларини ҳар бир қўйчивоннинг онгига чуқур сингдиришга ҳаракат қилдик. Эрта қўзилатиш ана шундай муҳим резервлардан биридир.

Биз Тошкент областидаги «Правда» колхози чорвадорлари тажрибаси асосида бу илғор усулни хўжалигимизда жорий қилиш учун қатор тадбирларни амалга оширдик. Натижа ёмон бўлмади. Бу йил 30—40 процент совлиқларимиз эрта қўзиладн. Пухта тайёргарлик кўриб қўйган эдик. Шунинг учун ҳам эрта туғилган қўзиларнинг нобуд бўлишига сира ҳам йўл қўймадик. Мана, шу кунларда бу қўзилар ўзини тутиб олди. Уларни алоҳида парваришқилиб боramиз. Ана шунда кеч қузга бориб эрта туғилган эркак қўзилар ҳар бирининг ўртача оғирлиги 40—45 килограммга етиши мумкин. Бемалол гўштга топширса бўлади.

Директор ҳақ гапни айтаётган эди. Чиндан ҳам бу хўжалик қуйчивонлари илғор тажрибалар, энг яхши усулларни жорий этиб, яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Қўйчиликнинг озуқа базаси ҳам йилдан йилга мустаҳкамланмоқда. Янгидан бир неча юз гектар майдонларда ташкил этилган изонзорлар озуқа базасини мустаҳкамлашда катта роль ўйнаётир. Бундан ташқари бошоқли дон экинларидан мўлкўл ҳосил олинмоқда. Ҳар йили мўлжалдагидан 2—3 ҳисса кўп ем-хашак жамғарилади. Бўлимларга тажрибали чорвадорлар раҳбарлик қилмоқда. Чўпонларнинг унумли ишлаши учун ҳамма шароитлар яратиб берилган. Шунинг учун ҳам ютуқлар салмоғи кўпайиб бораётир.

Беш йилликнинг тўртинчи йили учун ҳам юксак мажбурият олинган эди. Бу мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун ўзаро мусобақа авж олдириб юборилган. Мусобақада совхознинг ўртоқ С. Абдеев бошлиқ бўлими қўйчивонлари пешқадамлик қилмоқдалар. Улар қўзилатишни ғоят уюшқоқлик билан ўтказдилар ва хўжалик бўйича энг юқори натижага эришдилар. Ҳозиргача бу бўлимда қўзи олиш плани 110 процентдан ошириб бажарилди.

Бу муҳим мавсумга ҳар тарафлама тайёргарлик кўрилганлиги учун ҳам совхоз апрель ойининг бошларидаёқ совлиқлардан қўзи олиш планини ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлди. Пландаги 14680 бош ўрнига 14712 бош соғлом қўзи олинди.

Хўжаликда ўз ишининг миришкори бўлган илғор чўпонлар сафи йил сайин кўпайиб бормоқда. А. Аҳмедов, Ш. Адамбеков, Т. Пилолов, Т. Татибоев, Б. Адеев, Т. Юнусов, К. Берлибоев сингари чўпонлар ҳар юз бош совлиқдан 115—120 бошдан қўзи олдилар.

— Яқинда матбуотда областимизнинг бир группа илғор чорвадорлари ташаббуси билан танишдик, — дейди биринчи бўлимнинг мояр чўпони А. Аҳмедов. — Биз ҳам уларнинг ташаббусига сидқидилдан қўшиламиз. Ҳозир менинг отаримда қўзилатиш қизғин давом этмоқда. Ҳар юз бош совлиқдан кам деганда 120—130 тадан қўзи олишга ҳаракат қиламан.

—Тошкент область партия комитетининг чорвачиликни кескин юксалтириш масаласига бағишланган пленумида ва шу пленумда ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг сўзлаган нутқида, — дейди совхоз директори А. Бакиров, — гўшт, сут етиштиришни кўпайтириш учун нималарга эътибор бериш кераклиги, бунинг учун қандай резерв ва имкониятлар борлиги очиқ-ойдин кўрсатиб берилди. Биз хўжалик ишини ана шу кўрсатмалар бўйича ташкил этмоқдамиз. Бу йилги ниятимиз ҳар юз бошдан олинадиган қўзиларни кам деганда 110 тага етказишдан иборатдир. Бу қўйчивоиларимизнинг юксак мукофотга амалий жавоби бўлади. Уч ойлик гўшт топшириш планини ҳам муваффақиятли бажардик. Давлатга гўштга топширилган қўйларнинг ўртача оғирлиги 50 килограммданга тўғри келди. Шу кунларда биз баҳорги жун қирқишга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Бу соҳада ҳам белгиланган мажбуриятимизни ошириб бажарамиз. Ўтган йилдагидек кўклам серёғин келиб, табиий пичан мўл бўлмоқда. Бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни ва пичан ўришни намунали ташкил этамиз. Бу соҳада ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланамиз. Ўтган йилдагидан анча кўп ем-хашак жамғарамиз.

Яйлов баҳодирларининг сўзи билан иши бир бўлади албатта. Дастлабки қадамлар, шу кунларда амалга оширилаётган жасоратли ишлар ана шундан далолат бериб турди.

Н. РИХСИЕВ.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧРАШУВИ

Республика пойтахтининг матбуот, телевидение ва радио ходимлари 10 апрель куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг маслаҳат залига йиғилдилар.

«Правда» газетасининг бош редактори В. Г. Афанасьев журналистлар ҳузурида нутқ сўзлади. У правдачиларнинг ишлари тўғрисида гапирди, совет матбуотининг КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москвадаги Бауман сайлов округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган биринчи навбатдаги вазифаларини таърифлаб берди.

(ЎзТАГ).

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети дам олиш кунини 1979 йил 28 апрель шанбадан 30 апрель душанбага кўчиришга қарор қилди.

ИНТУРИСТ — 50 ЁШДА

Интурист ташкил қилинганига эрим аср бўлди.

Мамлакатимизда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан сўнг инсоният тарихидаги биринчи социалистик давлатга нисбатан бутун жаҳонда жуда катта қизиқиш уйғонди. Дунёнинг турли мамлакатларидаги минг-минглаб кишилар — ишчилар, фермерлар, адиблар, журналистлар, маданият ва санъат намоёндалари, кенг жамоатчилик вакиллари — СССРга бориш истагини изҳор этар, ёш Советлар мамлакатининг ютуқлари билан шахсан танишиш, социализмнинг дастлабки улкан қурилишларида, совет кишилари меҳнати билан қайта бунёд этилаётган шаҳарларда бўлишни орзу қилардилар.

Чет элликларнинг ана шундай жонли қизиқишини қондириш мақсадида Совет ҳукумати 1929 йил 11 апрелида «Интурист» Бутуниттифоқ Акционерлик жамияти ташкил этиш ҳақида махсус қарор чиқарди. Коммерция асосларида СССРда ва СССРдан ташқарида совет туризмининг ҳамма турларини йўлга қўйиш, СССР территорияси бўйлаб транзит билан ўтиб борувчи чет эллик туристлар ва чет эллик гражданларга хизмат кўрсатиш Интуристнинг асосий вазифаси бўлиб қолди.

КПСС ва Совет давлати халқаро тангликни юмшатиш, халқлар ўртасида дўстлик ва ўзаро тушунишни мустаҳкамлаш, бутун жаҳонда тинчликни барқарор қилиш учун фаол кураш олиб борган кейинги даврда мамлакатимизда чет эл туризми ва бекиёс ривожланди.

СССРда чет эл туризмининг жадал суръатлар билан ривожланиши партиямиз ленинча ташқи сиёсатининг умумий принципларидан келиб чиқади. КПСС Программасида ёзиб қўйилганидек, партия, фан ва маданият ютуқларини ўзаро айирбошлаш, ўзаро тушуниш ва халқлар дўстлиги манфаатлари йўлида СССРнинг социалистик система мамлакатлари билан, шунингдек, бошқа мамлакатлар билан маданий алоқаларини кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайди.

СССРда чет эл туризмининг ҳажмини кенгайтириш, унинг сиёсий ва иқтисодий аҳамиятини орттиришга катта эътибор бериб, Совет ҳукумати 1964 йилда чет эл туризми бўйича ҳукумат органи —СССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет эл туризми бўйича бошқарма ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Шу вақтдан бошлаб СССР халқ хўжалигининг янги бир соҳасига айланиб бораётган чет эл туризмининг ривожида муҳим босқич бошланди.

Туризм моддий базасини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатнинг ўнлаб туристик марказларида, айниқса, Москва, Ленинград, Киев, Одесса, Тошкент, Самарқанд, Ереван, Боку, Иркутск каби йирик шаҳарларда меҳмонхоналар қурилиши авж олдирилди ва улар бирин-кетин ишга туша бошлади. Янги туристик объектларнинг ишга туширилиши туфайли 1967-1968 йилларда меҳмонхоналарнинг ўзида ўринлар сони қарийб икки баравар кўпайди. Шуниси диққатга сазоворки, бундай туристик манзилларни мамлакатнинг асосий йирик шаҳарларидагина эмас, балки автомобиль йўллари бўйлаб қуриш ҳам авж олдирилди.

Чет эл туризмининг бундай суръатлар билан тез тараққий қилиши Интурист системасида халқ хўжалигининг шу соҳасини бошқаришни такомиллаштириш бўйича қатор тадбирларни амалга ошириш учун рағбатлантирди. 1969 йилда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет эл туризми бўйича бошқарма СССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет эл туризми бўйича бошқармаси қилиб қайта тузилди. Ўнбеш иттифоқдош республиканинг ҳаммасида республика Министрлар Советининг ҳузурида чет эл туризми бўйича бошқармалар ташкил этилди.

СССРда туризм саноати янада юқори суръатлар билан ривожланиб борди. У энди ўз орбитасига мамлакатимизнинг янгидан-янги районларини, шаҳарларини жалб эта бошлади. Тарихий ва меъморчилик ёдгорликларини таъмир этиш, мавжуд музейларни кенгайтириш ва янгиларини қуриш, янги томоша хоналар ва маданий марказларни бунёд этиш ишларига зўр эътибор берилмоқда. Интурист экскурсия программаларида чет элликларни Совет воқелиги билан, совет кишиларининг инсон фаолияти ҳамма жабҳаларида эришаётган ютуқлари билан кенг таништириш борасидаги тадбирлар тобора кўпроқ ўрин эгалламоқда.

Туристлар иттифоқдош республикаларнинг пойтахтлари, қаҳрамон шаҳарлардан Волгоград, Киев, Одесса, Сибирнинг янги қурилишлари, Волга дарёсидаги улкан ГЭСлар, совет ғаллакор районларининг колхозлари ва совхозлари, кўпгина туристик марказлардаги саноат корхоналари, қадимги Русснинг Псков, Новгород, Владимир, Суздаль, Ростов шаҳарлари, Урта Осиёнинг Самарқанд, Бухоро, Тошкент каби қадимий маданият марказларидаги ажойиб меъморчилик ёдгорликлари, Қрим ва Кавказ курортлари, СССР қўриқхоналари ва овчилик районлари билан танишиш имкониятига эгадирлар.

Бизнинг Тошкент шаҳримизда ҳам чет эл туризмини ривожлантириш борасида қатор тадбирлар кўрилмоқда, унинг моддий базаси мустаҳкамланмоқда. Мана беш йилдирки, Интуристнинг Тошкент бўлими чет эллик меҳмонларни пойтахтимиз марказида жойлашган «Узбекистон» меҳмонхона комплексида қабул қилиб, уларга меҳмондўстлик билан хизмат қилмоқда.

Бўлим ходимлари Интурист тузилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича бошланган мусобақага кўшилиб, яхши натижаларга эришдилар. Асосий план топшириқлари ва социалистик мажбуриятлар бажарилди.

Бизнинг коллективимиз фахрли ва айни вақтда жуда масъулиятли вазифани бажаради. Биз чет эллик меҳмонларни қабул қилдик. ГФРнинг Мандебург шаҳридан келган бир группа туристлар Тошкентдан олган ўз таассуротлари ҳақида шундай деб ёзишибди: «Биз Тошкентда бўлганлигимиздан хурсандмиз. Эскилик ва янгиликнинг, шаҳар марказидаги Интурист ажойиб меҳмонхонаси билан сиз сақлаб қолишни истаётган Эски шаҳар ўртасидаги контраст манзара, замонавий услубнинг қадимги ўзбек усталари анъаналари билан қўшилиб кетиши жуда ажойибдир. Ўтмишда қолоқ бўлган республикангизнинг ютуқлари эса чиндан ҳам ҳайратланарлидир».

Чет эллик туристларга маданий хизмат кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Интурист Тошкент бўлими ҳузурида маданий-сиёсий марказ ҳамда доимий ишловчи лекторий муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон азалдан ўзининг ажойиб меҳмондўстлиги билан бутун дунёда шуҳрат қозонган. Янги туристик мавсумни Интуристнинг 50 йиллиги кенг нишонланаётган кунларда бошлар эканмиз, пойтахтимизни кўриш, унинг меҳнат аҳли қаёти билан танишишни орзу қилган ҳамма холис ниятли кишиларга қарата: «Тошкентга хуш келибсиз, қадрли чет эллик меҳмонлар» деб айтамиз.

А. МИРАҲМЕДОВ,
«Интурист» Бутуниттифоқ акционерлик жамиятм Тошкент бўлимининг бошқарувчиси.



ТОШКЕНТ тажриба-пиллачилик фабрикаси мутахассислари янги хил пилла навларини яратиш устида изланмоқдалар. Бу соҳада комсомол қиз Лайли Иброҳимова (чапда) ва коммунист Дилором Қосимова ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар ўзларига топширилган вазифани доимо сифатли бажариб, коллектив ҳурматини қозонмоқдалар.

В. Сироткин фотоси.

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШЛАРГА КОМСОМОЛНИНГ ҚАЛБ ҚЎРИ

Мамлакатимизда юзлаб йирик объектлар зарбдор комсомол қурилиши деб эълон қилинган. Катта халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган заводфабрикалар, қишлоқ хўжалик комплексларидан иборат бу объектларни бунёд этишга йигит ва қизлар салмоқли ҳисса қўшишяпти. Улар орасида кўплаб ҳарбий хизматни тугатиб келган йигитларни учратиш мумкин. Кейинги икки йил ичида Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларида хизматни ўтаб бўлган 5 мингдан ортиқ жангчи зарбдор қурилишларга йўлланма олди.

Ўтган шанба куни пойтахтдаги Округ офицерлар уйида Тошкент область комсомол комитети ташаббуси билан уюштирилган касб танлаш кечаси бўлиб ўтди. Бунда май, июнь ойларида зиммасидаги ҳарбий хизматни ўтаб бўлиб демобилизация қилинадиган жангчилар, Тошкент область комсомол ташкилотларининг вакиллари, областдаги қатор йирик корхоналар ва зарбдор қурилишларнинг раҳбар ходимлари иштирок этдилар. «Мамлакатнинг янги қурилишларига — сенинг қалб кўринг ва қўлларинг тафти, комсомол» шиори остида ўтган бу ўзига хос учрашув кечаси ниҳоятда қизиқарли, фойдали бўлди.

Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг капролактам комплекси областимиздаги энг йирик қурилишлардан бири. Капролактам — саноат ишлаб чиқариши учун зарур бўлган ўнлаб хилдаги ранг-баранг хомашёдир. Комплекс фойдаланишга топширилгач, мамлакатимиз саноатининг шу хомашёга бўлган эҳтиёжи янада тўлароқ қондирилади. Объект қурилишида минглаб комсомол-ёшлар иштирок этишяпти. Бу ерга янги ишга келган, ҳеч қандай мутахассислиги бўлмаган ёшлар ўзлари танлаган касбни қисқа муддатда эгаллашлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Кечада сўзга чиққан капролактам ишлаб чиқариш комплексининг бошлиғи А. Дрёмов жангчиларга мана шу шароит ва қулайликлар ҳақида гапириб берди.

Октябрь Революцияси орденли 93-ихтисослашган трест йирик қурилиш ташкилотларидан бирдир. Республиканинг барча областларидаги бўлинмалари қатор йирик объектларни бунёд этаётган бу ташкилот ҳузурида малакали касб эгаси бўлиб етишиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Жумладан, монтажчилар, ғишт терувчилар ва бошқа касб эгаларини тайёрлайдиган уч ойлик курслар, Чирчиқ ва Олмалиқда эса ҳунар-техника билим юртлари ишлаб турипти. Чирчиқ ва Бухородаги зарбдор қурилишларда меҳнат қилган кишилар уч йил мобайнида квартира билан таъминланишлари мумкин. Унгача эса шинам ётоқхоналарда истиқомат қилишади. Трест бошқарувчисининг ўринбосари Т. Акбаров шулар ҳақида ҳикоя қилиб берди.

— Мен 1976 йилда ҳарбий хизматни тугатиб, ўзимнинг қадрдон коллективимга — Тошкент трактор заводига қайтиб келдим, — деди завод слесариқловчиси В. Зайцев. — 1972 йилдан буён заводда ишлаб, муносиб дўст ва ўртоқлар орттирдим ва улар армиядалик пайтимда ҳам хат-хабарлари билан доим мен билан бирга бўлдилар. Шунинг учун ҳам ҳеч иккиланмай мана шу коллективга қайтиб келганимдан мамнунман. Заводимиз истиқболи янада порлоқ. Ҳозирги кунларда катта ҳажмда реконструкция ишлари олиб бориляпти. Бизга қурувчилар ҳам, станокчи ишчилар ҳам керак. Хизматни тугатгандан кейин заводимизга келинг, кучоқ очиб кутиб оламиз.

— Чирчиқ шаҳри пойтахт областининг энг шинам ва йирик шаҳарларидан бири сифатида ном қозонган, — деди 160-қурилиш трестининг кадрлар бўлими бошлиғи П. Золотарёв. — Мен 1946 йилда армиядан келганимдан буён Чирчиқда яшаяпман. Бизнинг трестимиз эса фақат областда эмас, балки мамлакатда йирик ва илғор коллективлардан бири ҳисобланади. Унинчи беш йилликда икки марта Иттифоқ миқёсидаги, ўтган йил якунлари бўйича эса республика миқёсидаги юксак мукофотларни қўлга киритдик. Коллективимиз 20 йил фаолияти мобайнида ядро физикаси институтини, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатини, Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, гўшт комбинати ва бошқа қатор корхоналарни бунёд этди. Айни кунларда эса бош пудратчи сифатида капролактам ишлаб чиқариш комплексини қуряпмиз. Трест ҳузурида ишчи ва хизматчиларнинг қордиқ чиқариши, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун барча шароитлар муҳайё. Хушманзара Чимёнда дам олиш зонамиз, пионер лагеримиз бор.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинатида меҳнат қилаётган 12 минг кишининг деярли ярми ёшлардир. Комбинатда ҳар йили 200 миллион метрдан ортиқ газлама ишлаб чиқарилмоқда. Аёллар билан бир сафда эркаклар учун ҳам ўнлаб касблар бор. Мастер ёрдамчилари, слесарлар, механика заводининг ишчилари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, айни кунларда «Октябрь» массивида комбинатнинг янги филиал — фабрикаси қурилмоқда. Армиядан келиб ишга кирганлар касб ўрганиш мобайнида 6 ойгача 80 сўм стипендия, бепул ётоқхона, бепул овқат билан таъминланадилар. Шу ерда комбинат директорининг ўринбосари З. Сенкевич гапириб берди.

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси кадрлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Н. Федоренко бирлашмада 150 га яқин касб эгалари меҳнат қилаётганини, янги ишга келган ёшлар бу касбларнинг истаганини эгаллашлари мумкинлигини ҳикоя қилди. Самолётсозларнинг маоши — 80 сўмдан 400 сўмгача. Ўтган йили ўртача маош 250 сўмни ташкил қилди. Спорт ихлосмандлари учун барча шароитлар мавжуд, стадионлар, спорт майдончалари бор. Бундан ташқари, бирлашманинг икки дам олиш уйи, Иссиқкўлда эса «Олтин қумлар» пансионати ишлаб турибди.

Пойтахтимиздаги 11-«Висотстрой» трести коллективи шаҳар ҳусниға-ҳусн қўшиб турадиган осмонўпар биноларни бунёд этганлиги ва этаётгани билан фахрланади. Улар Ленин музейини қурдилар, Ленин бульварини ва ундаги «Зангори гумбазлар» кафесини бунёд этдилар. Бу катта ва кўркам қурилишлар учун бир группа қурувчилар ва хизматчилар республика Давлат мукофотини олишга сазовор бўлишди. Ҳозир Тошкентда эни баланд бўладиган 22 қаватли «Москва» меҳмонхонасини, Ўрта Осиёда энг йирик кино-концерт залини қуряпмиз, деди кечада сўзга чиққан трест бошқарувчиси В. Бабич.

Жангчилар билан учрашув кечасига «Самотлорнефтестрой» трестининг бўлим бошлиғи А. Авдеев ҳам ташриф буюрди.

— Сизга аввало сибирликларнинг қайноқ саломини йўллайман,— деди у сўзга чиқиб. —Трестимиз территорияси жиҳатидан бир нечта йирик мамлакатлар территориясига тенг келадиган Тюмень областида фаолият кўрсатмоқда. Коллективимиз 1974 йилда дастлабки нефть берган эди. Бугунга келиб эса Тюмень мамлакат нефтининг анчагина қисмини, газ бермоқда. 1977 ва 1978 йил якунлари бўйича коллективимиз улкан муваффақиятни қўлга киритиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди ҳамда Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги ютуқлари кўргазмасига трестимиз номи ёзилди. Бизда ишловчилар асосий маошига қўшимча коэффициент тўланади. Ўтган йили ҳар бир ишловчининг ўртача маоши 340 сўмни ташкил этди. Нижневартовск шаҳримизда яшовчиларнинг ўртача ёши — 25. Мана шу фактнинг ўзидан коллективимиздаги ёшлар салмоғини билиб олиш мумкин. Аэропортимиз бор. Тошкентдан Тюменгача бўлган 3 минг километр масофага 5 соатда учиб боришингиз мумкин...

Тошкент область комсомол комитетининг иккинчи секретари В. А. Лозицкий партия комсомолга ҳамиша энг масъулиятли ва шарафли вазифаларни ишониб топшираётгани, фақат Тошкент областида 50 дан ортиқ саноат ва қишлоқ хўжалик зарбдор объекти бунёд этилаётгани, областдаги мавжуд 7 та шаҳарнинг ҳар бирида комсомолнинг зарбдор объекти борлиги ҳақида гапирди.

Хизматни тугатаётган жангчилар номидан ҳарбий қурилиш аълочиси Э. Князев сўзга чиқди.

Кеча сўнгида Тошкент области зарбдор қурилишларида қолиб ишлаш истагини билдирган 20 жангчига комсомол йўлланмалари тантанали вазиятда топширилди. Улар орасида ҳарбий ва сиёсий тайёргарлик аълочилари Светозар Рязанцев, Акбар Жуманов, Иван Воеводин, Эдуард Князевлар бор. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келиб Туркистон ҳарбий округида муқаддас бурчини адо этаётган бу йигитлар пойтахт областимизнинг кўплаб зарбдор қурилишларида меҳнат қилишади. Бу, икки йил мобайнида Тошкент уларнинг қалб тўридан жой олганлигидан далолатдир...

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

ОБОДОНЧИЛИК ЖОНКУЯРЛАРИ

Республикамиз пойтахтининг шундайгина жанубигарбида навқирон Янгийўл қад кўтарган. У ўзининг замонавий қиёфаси, маданий-маиший муассасаларга бойлиги, равон, текис кўчалари билан кўнгина шаҳарлар билан рақобатлашади. Марказий кўчанинг бошланишида катта дам олиш ва истироҳат боғи, икки қаватли муҳташам марказий универсал магазини ҳамда кинотеатр жойлашган. Шаҳар Совети ижроия комитети ва ички ишлар бўлими биноларининг давомида маиший хизмат кўрсатиш комбинати, рангли фотоателье, қатор савдо точкаларига дуч келасиз. Кинотеатр ва клублардан маданий ҳордиқ чиқариб қайтаётган ишчи-хизматчиларнинг чеҳрасидаги табассум, кулгу бехиҳтиёр юзингизга қўнади...

Шаҳарнинг меҳнатсевар кишилари бир оила фарзандларидек аҳил ва фаровон турмуш кечириб жонажон Коммунистик партиямизнинг кўрсатмаларини амалга ошириш соҳасида фидокорона тер тўкишяпти. Ҳақиқий коммунистик маданият шаҳрига айланиб бораётган Янгийўл истиқоматчилари хўжалик, иқтисодий ва маданий соҳада йил сайин катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Халқ фаровонлигини юксалтириш, жумладан, турар жой биноларига бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш масалаларига кейинги йилларда алоҳида аҳамият бериляпти. Ўтган йилнинг ўн бир ойи ичида 3820 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Кўпгина бинолар капитал ва жорий ремонтдан чиқарилди. 1176 ўқувчи-ўринли мактаб, 280 ўринли болалар боғчаси ишга тушди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражаси яхшиланяпти. Шаҳардаги «Зангори экран», «Техсложбитприбор», «Автотехобслуживание» ва бошқа муассасаларнинг фаолиятидан кўпчилик мамнун. Шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинати талаб ва истаклар асосида буюртмаларни кўнгилдагидек бажармоқда.

Шаҳар партия ва совет ходимлари кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришни асосий кун тартибига киритишган. Ўтган йилнинг ўзидагина 400 дан зиёд квартирага «зангори олов» келтирилди. Автомобильная, Комсомольская кўчалари, Стаханов тупиги, Абай, Педагоглар ва Қизил аскар кўчаларидан шаҳар касалхоналарига олиб борувчи йўл ва йўлаклар қайтадан асфальтланди. Бу ишларда А. Раҳимберганов бошлиқ бўлган коммунал хўжалик ва ободонлаштириш бўйича доимий комиссиянинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Комиссия аъзолари ўз йиғилишларида бу соҳадаги камчиликларни бир неча марта муҳокама қилишиб, амалий ишга катта ёрдам бердилар.

Шаҳарнинг шинам ва чароғон мактабларида 12010 нафар ўғил-қиз таълим оляпти. Уларнинг билим асосларини пухта эгаллашлари учун ҳамма шароитлар муҳайё. Мактабларда буфет ва ошхоналар намунали ишлаб турибди. Меҳнат тарбияси ва болаларда меҳнат кўникмаси ҳосил қилиш мақсадида ўқув ишлаб чиқариш комбинати икки йилдан буён 11 хил мутахассислик бўйича юқори синф ўқувчилари ўртасида машғулотлар олиб бормоқда.

Халқ соғлиғи — юрт бойлиги дейишади. Ҳозирги кунда 10 та даволаш-профилактика муассасаси, 20 та саломатлик пункти ва 5 та дорихона кишилар соғлиғини муҳофаза этиш йўлида намунали ишлаб турибди. Коммунистик шанбаликлар ёрдамида аёллар консультацияси биноси ва тез ёрдам станцияси қуриб битказилди. Даволаш-диагностика ва профилактик тадбирларининг сифатини юксалтириш мақсадида медицина муассасалари энг замонавий аппаратура ва жиҳозлар билан таъминланган.

Ишчи-хизматчиларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун кўплаб қизиқарли тадбирлар амалга оширилмоқда. Маданият уйида 12 хил тўгараклар ташкил этилган. Яқинда эстрада санъати кўригида 14 та ансамбль ўз маҳоратини намойиш этди. 44 физкультура коллективида 14938 спортчи мунтазам жисмоний тарбия билан шуғулланади.

— Ютуқларимизда депутатларимизнинг ҳиссаси катта, — дейди шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси А. Анорқулов, — 90 нафар коммунист — халқ вакили. Улар ҳамма соҳаларда бевосита раҳбарлик ва назорат қилиб келмоқдалар. Халқ вакилларидан тузилган группалар ва доимий комиссиялар ёрдамида юз берган камчиликлар ўз вақтида бартараф этиляпти. Л. С. Исмоилова, Д. К. Ҳасанова, Л. А. Карпец сингари депутатларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Уларнинг яқин кўмагида халқ турмуш фаровонлиги ва шаҳримиз экономикасини янада юксалтириш планларини амалга оширяпмиз.

А. БОБОБЕКОВ.

КОЛХОЗНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози правлениеси, партия, касаба союз, комсомол ташкилоти илғор колхозчиларни хўжаликнинг фахрий ёрлиғи билан мукофотлаб туриш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорда таъкидланишича, камида 20 йил узлуксиз намунали ишлаган, меҳнат минимумини ортиғи билан бажарган колхозчилар фахрий ёрлиқ билан тақдирланадилар. Шу билан бирга уларга йиллик даромадларга 3 процент қўшимча равишда ҳақ тўланади.

Сувчи Зокир Тўлаганов, сут соғувчи Қумри Абдураҳимова, молбоқар Яхшилик Турсунқулов, механизатор Эркин Бойбеков ўртоқлар биринчилардан бўлиб колхоз Фахрий ёрлиғини олишга сазовор бўлдилар.

В. БОБОХОНОВ.

КЕЛГУСИ БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

ЛЕНИН ордени кавалери Тўлқин Самиғовнинг номини пойтахтимиз бинокорлари яхши билишади. Бу тажрибали қурувчи бош бўлган бригада аъзолари йил сайин қувончли кўрсаткичларни қўлга киритишмоқда. Ишнинг яхши ташкил этилиши, бинокорлик материалларини тежаб-тергаб ишлатилиши натижасида коллектив ойлик топшириқларини ошириб бажармоқда. Бригада ўтган йили ўнинчи беш йиллик планнинг бажариб, шу кунларда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобининг бригада пудрати методи бўйича ишлаётган коллектив «Узбексельмаш» заводининг ишчи ва хизматчиларига аталган 48 квартирали турар-жой биноси қурилишида графикдан ўзган ҳолда меҳнат қиляпти. Бригаданинг Султон Икромов, Ғани Валиев, Юсуф Маҳкамов каби аъзолари ҳамкасбларига ўрнак кўрсатяпти.

Н. АБДИЕВ.

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

ЯҚИНДА Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти сиртқи бўлим тарих факультети студентларининг илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияни янги ва энг янги тарих кафедраси доценти, тарих фанлари кандидати П. Р. Котляр, СССР тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари кандидати З. Қ. Аҳмаджонова, тарих фанлари кандидати, доцент Р. Ғуломов раҳбарлигида факультетнинг V курс студентлари олиб бордилар.

«В. И. Ленин — Коммунистик интернационалнинг асосчиси», «Болгария Халқ Республикаси», «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг фаолияти» ҳамда «Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши ва унинг жаҳоншумул аҳамияти» деган темалардаги докладлар зўр қизиқиш билан тингланди.


Конференция сўнгида Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги педагогика олий ўқув юртлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Э. Ҳолиқов бир группа актив ва аълочи студентларга Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Марказий Комитети ва студентларнинг илмий ишлари бўйича республика Советининг дипломларини топширди.

Т. УСМОНОВ.

Тошкентдаги 129-ҳунар-техника билим юртида машғулотлар қизиқарли олиб борилмоқда. Саноат моллари лабораторияси ҳам кўргазмали қуроллар билан тўла таъминланган. Суратда: ишлаб чиқариш мастери О. Мирзаҳамдамов ўқувчилар билан машғулот ўтказмоқда.

С. Икромов фотоси.







Зина Исмоилова ва Зоҳида Турсунбоева ўзларига бириктирилган 180 бош бузоқни яхши парваришлаб, кунига 800—900 граммга етказиб семиртирмоқдалар. Чапда эса комплекс корпусларини кўриб турибсиз.

Е. Ботиров фотолари.

ГЎШТ КОМПЛЕКСИДА

ЛЕНТАДЕК чўзилиб кетган текис асфальт йўл саноат комплекси корпусларига бориб туташган. Йўл бўйларидаги стендларда чорвадорларнинг кундалик ҳаёти акс эттирилган. Шиор ва плакатларда чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга даъват этилган.

— Бу йил комплексимизнинг беш йиллигини нишонламоқчимиз,— дейди совхоз директори, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати Санъат ака Исломхўжаев.— Комплекс комсомол зарбдор қурилиши деб эълон қилингач, икки йилга қолмай битди. 1975 йилнинг кузи эсимизда. Янги фойдаланишга топширилган корпусларга областимизнинг турли хўжаликларидан 10 минг бош бузоқ келтирилди. Улар учун етарли озуқа жамғариб қўйилган эди. Ишчиларимизнинг кўпчилиги ҳали ёш, чорва ишида дурустгина тажриба орттирган бўлишмасада лекин шошиб қолишмади.

Йиллар ўтиши билан комплекс чорвадорлари тажрибаси орта борди. Ҳозир бу ерда 170 киши ишлайди. Асосий жараёнларнинг ҳаммасини электрон курилмалар бошқаради. Одамлар фақат техника ишини кузатиб туришади.

Комплексда бузоқларни боқиб семиртириш жараёни 13 ой давом этади. Областимиздаги 117 хўжалик мижоз. Янги туғилган бузоқлар 10—15 кунлик бўлгач комплексга топширилади. Ҳар ойда 720 бош бузоқ боқувга қабул қилиниб, қарийб шунча семирган мол гўштга топширилади. Бузоқлар икки босқичга бўлиб боқилади. Биринчи даврда улар 115 кунлик бўлгунча боқилади. Бузоқларга сут, аралаш озуқа, пичан, сеналардан иборат олти озуқа бирлиги берилади. Иккинчи даврда эса интенсив боқиш бошланади. Бу даврда новвосларга 7,1 озуқа бирлиги берилади.

— Ўтган йили гўштга топширилган молларнинг ўртача тирик вазни 387 килограмма етган эди,—изоҳ берди директор.— Пландаги 3300 тонна ўрнига 3355 тонна гўшт етиштирилди. Бундан совхоз 1 миллион 300 минг сўмлик фойда олди.

1979 йилда чорвадорлар 3700 тонна гўшт етиштиришга аҳд қилганлар. Ҳозир комплексда 11 минг бош мол бўрдоқига боқилаяпти. Яқин келгусида улар сони 14 минг 400 бошга етказилади. Ҳозир қурилаётган қўшимча корпуслар битиш арафасида турибди.

Комплекс томон юрамиз. Корпуслар ҳавоси мўътадил, атроф саранжом-сариштa. Қишнинг совуқ кунларида ҳам бу ердаги ҳарорат 18—20 даражадан пасаймади. Езнинг жазирамасида эса ичкари анча салқин бўлади, молларнинг иштаҳаси бўғилмайди.

Коридор бўйлаб транспортёрлар ҳаракат қилиб турибди. Улар аралаш озуқани моллар охурига етказиб бераяпти. Юқоридан ўтган трубалардан эса сут оқаяпти. Операторнинг қўлидаги шланг шу трубаларга уланган. Шланг учидаги жўмрак бурапса бас, бузоқлар учун етарли миқдордаги сут махсус идишларга қуйилади. Биргина оператор қиз автоматлар ёрдамида 180 бош новвосга қараб улгураяпти.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1978 ЙИЛ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ.

Оператор чорвадорларнинг аксарияти ёшлар. Ўтган йили 15 йигит-қиз комсомол йўлланмаси билан бу ерга ишга келган эди. 1979 йилда улар сафи яна ҳам кенгаяди. Оҳангарон районидаги 43-, 47-, 48-мактабларнинг битирувчи синф ўқувчилари ўртасида касб танлаш бўйича кечалар уюштирилмоқда. Бундай кечаларда иштирок этаётган йигит-қизларнинг 40 дан ортиғи ҳозироқ етуклик аттестати билан чорвадорлар сафига қўшилишга сўз берди.

Комплексда ёшлар учун махсус курслар очилган. Илғор тажриба мактаблари ташкил этилган. Улар қисқа вақт ичида уста чорвадор бўлиб оладилар, комплексда ишлаётган ёшлар сафига қўшиладилар.

Комплекс комсомол комитети секретари Соня Ельмеева дуркун бузоқларга сут бераётган оқ халатли қизга ишора қилди.

— Ажар Бўлганбоева ҳам комплексга етуклик аттестатини олгач, комсомол йўлланмаси билан келган эди,— деди у.— Бу ерда 4 ойлик оператор-чорвадорлар тайёрлаш курсини битирди. Мана энди унинг олдига тушадиган йўқ. Ўзи коммунистик меҳнат зарбдори.

Соня бизни қизил бурчак томон бошлади. Кираверишда Тошкент область комсомол комитети чиқарган янги плакат осиб қўйилган. Унда бир группа ёш чорвадорларнинг ташаббуслари эълон қилинган. Сурати босилган қизлар орасида Ажар ҳам бор. Унинг бузоқларни озуқлантираётган пайти тасвирланган эди.

Комсомол қиз Ажар Бўлганбоева бу йил янги ташаббус билан чиқди. У мавжуд резервларни ҳисобга олиб, ўз боқимидаги ҳар бир бузоқни кунига 900 граммдан семиртиришга, ўрта мактабни тамомлаб келаётган қизлардан икки кишига операторлик касбини ўргатишга сўз берди.

— Совхозимиздаги комсомол ёшларнинг ҳаммаси Ажар бошлаб берган ташаббусга қўшилишди,— қўшиб қўйди Соня Ельмеева.— Бу йил гўштга топширилаётган тирик молларнинг вазнини 400 килограмма, етказишга аҳд қилишди. Шунинг учун энг аввало озуқа базасини мустаҳкамлаш керак. Ҳозир ёшлардан иборат бешта озуқа тайёрлаш бригадаси тузилган. Улар 2,5 минг тонна дағал озуқа тайёрлаш мажбуриятини олдилар. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириладиган асосий участкаларда эса қўшимча бешта сифат пости туздик. Июнь ойида ёш чорвадорларнинг слётини ўтказмоқчимиз. Слётга ўрта мактабларни тамомлаган йигит-қизлар ҳам таклиф этилади. Майли улар чорвадорлар ҳаёти ва меҳнати билан яқиндан танишсинлар, агар қизиқсалар комплексимизга ишга марҳамат қилсинлар. Бир сўз билан айтганда энди чорвачиликни юксалтириш комсомол ёшлар зиммасига юкланмоқда. Биз бу шарафли вазифани сўзсиз бажаришга қодирмиз.

Корпусларни айланиб, янги-янги қаҳрамонлар билан танишдик. Фотима Худойбердиева, Закия Исмоилова, Мавлон Икромов, Ажар Бўлганбоева каби илғор чорвадорлар бузоқларни кунига 900 граммгача семиртиришга муваффақ бўлмоқдалар. Айни пайтда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган муҳим-муҳим тадбирлар билан ҳам чиқмоқдалар. Ўтган йили ёшлар таклифини амалга ошириш туфайли 315 минг сўмлик иқтисодий самара олинди.

«ВЛКСМ 50 йиллиги» саноат комплекси совхозининг коллективи КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларини амалга ошириш юзасидан бошланган кураш байрогини барча участкаларда баланд кўтармоқда. Улар эл дастурхонини чорва маҳсулотларига тўкин қилиш иштиёқида бор имкониятларини ишга солмоқдалар.

Ж. НОСИРОВ,
Оҳангарон райони.

МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШ ЙЎЛИДА

Тошкент бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўзининг беш йиллигининг тўртинчи йилида зиммасига юксак мажбуриятлар олиб ишламоқда. Ишчи-хизматчилар маҳсулот реализация қилиш йиллик планини муддатидан илгари бажариш ва қўшимча 450 минг сўмлик қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга аҳд қилишган.

Корхона коллективи эл-юрт олдида берилган ана шу ваъдани тўла бажариш учун социалистик мусобақани кун сайин авж олдирмоқдалар. Илғор иш усулларини қўлланиш, прогрессив технологияни жорий қилиш, иш жараёнларини такомиллаштириш туфайли давлат плани ой сайин ортиғи билан адо этилмоқда. Ишчиларнинг ўтган биринчи кварталдаги меҳнати натижаси ҳам анча салмоқли бўлди. Пландагидан ташқари 173 минг сўмлик бинокорлик материаллари ишлаб чиқарилди.

Коллектив эришган бу ютуққа мусобақада пешқадамлик қилаётган 1-гишт заводлари бошқармаси ишчилари муносиб ҳисса қўшишди. Улар йил бошидан бери қурилишлар учун 10,5 миллионтадан кўпроқ имораторбоп ғишт етказиб бердилар. Унинг 400 минг донаси планга қўшимча тайёрланди. Умуман бу бошқарма коллективи беш йиллик бошидан бери 130 миллион донадан ошиқ ғишт ишлаб чиқарди. Бу 500 дан ортиқ тўрт қаватли кўп квартирали ҳашаматли уйлар қурилишига етади.

Бошқарма илғорларининг сафи тобора кенгайиб бормоқда. Машъал ишчилардан А. Дюков, Н. Аҳмаджонов, И. Аҳмедшин, В. Садухина ва бошқалар ҳар куни норманни 1,5 баравар ва ундан ҳам ошириб адо этмоқдалар. Улар ўзларининг унумли ва сифатли меҳнатлари билан бошқарма коллективи меҳнатининг самарали бўлишига ёрдам беришяпти.

С. СУЛТОНОВ.

ДУРКУН ҚЎЗИЛАР

Совхоз ветеринария техниги Бахтиёр Пирназаров ҳикоя қилади.

— Бир неча йилдирки, бизда эрта қўзилатиш методи амалга ошириляпти. Бу ўзининг самарасини кўрсатяпти. Бу йилги мавсумда ҳам қувончли ютуқларни қўлга киритдик. Ҳар юз бош совлиқдан 115 тадан қўзи олишга эришдик. Бу бизнинг шароитда энг юқори кўрсаткичдир.

Совхоз директсияси чўпонларнинг баракали ва унумли ишлаши учун барча шарт ва шароитларни яратиб берган. Шунинг учун улар ўртасидаги социалистик мусобақа борган сари кенг қулоч ёймоқда. Чўпонлар ўзларига топширилган ишни садоқат билан бажариш учун ишни планли олиб борадилар. Қўйлар тез-тез зооветеринария кўрикларидан ўтказилиб турилади. Шу боисдан ҳам қўй-қўзилар дуркун ўсиб, этига-эт қўшмоқда.

Биз Самсарак участкасидаги отарга ҳам етиб келган эдик, ҳамроҳимиз қўй боқаётган кишини кўрсатиб сўзини давом эттирди.

— У 36 йилдан бери қўй боқади. Риза акани ҳар қанча мақтаса арзийди. У ишчанликда кўпларга ибрат. У қисқа вақт ичида ўнлаб ёш чўпонларни тарбиялаб етиштирди.

Риза ака ҳар йилгидек бу йил ҳам қўзилатиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриб яхши кўрсаткичларга эришди. Ҳар юз бош совлиқдан 135 дан соғлом қўзи олди. Социалистик мажбуриятини анча ошириб бажарди. Риза ака Муждабоевнинг меҳнатлари эл томонидан тақдирланишга сабаб бўляпти. 1958 йили Меҳнат Қизил Байроқ, 1960 йили Ҳурмат белгиси, 1976 йили иккинчи марта Меҳнат Қизил Байроқ орденлари билан тақдирланди. Ўтган йили мукофотга «Волга» енгил автомашинасини олди.

Ҳўжаликда бундай тинибтинчимас, сергайрат, тажрибали чўпонлар жуда кўп. Улар қўй-қўзилар сонини кўпайтириб, зотини яхшилаб, маҳсулдорлигини оширишга ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Р. Имомов, Ж. Соатов, З. Соатов, М. Тешабоев каби ёш чўпонлар ҳам илғорлардан ўрнак олишиб, меҳнат қилмоқдалар.

Совхоз чўпонлари КПСС Марказий Комитети июль ва ноябрь Пленумлари қарорларини амалга ошириш учун барча куч ва имкониятларни ишга солиб чорвачиликни ривожлантирмоқдалар.

С. СИРОЖИДДИНОВ,
Коммунистик район, Энгельс номли совхоз.

ТОКЗОРЛАР КЕНГАЙТИРИЛДИ

Тошкент областидаги ихтисослаштирилган совхозларда ток қаламчаларини ўтказиш ниҳоясига етди: салкам етти юз гектар майдонда токзорлар барпо этилди. Бу эса ўтган йилнинг баҳоридагига нисбатан анча кўпдир. Янги токзорларнинг анча қисми Чотқол тизма тоғи этакларида бунёд этилди. Бу ерда академик Р. Р. Шредер номидаги богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Бўстонлик филиали олимларининг ёрдами билан резавор мевазорлар вужудга келтириш учун тоғ этакларини ўзлаштириш давом этмоқда. Филиал ходимлари турли участкаларда етиштириш учун ана шундай мевали ўсимликларнинг хўраки ва техника навлари танладилар. тоғларда ўстириладиган токлар учун агротехника тадбирларининг комплекси ҳам такомиллаштирилди.

Тошкент богдорчилик — узумчилик совхозлар трестига ва Усмон Юсупов номли ишлаб чиқариш-аграр бирлашмасига кирадиган ихтисослашган хўжаликларда узум берадиган токзорлар катта-катта массивларни эгаллаб турибди. Бу йил ана шу массивларда қарийб эллик минг тонна узум етиштириш мўлжалланмоқда. Бу эса областда етиштириладиган ялпи узумнинг тўртдан уч қисмидан кўпроғидир. Беш йиллик охирига бориб ёш токзорлардан дастлабки ҳосил олинган пайтда бу ерда ялпи узум ҳосили 1,2 баравар кўпаяди.

(ЎзТАГ).

1979 ЙИЛДА ДОН ЭКИНЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ, ДОН ЕТИШТИРИШ ВА ДАВЛАТГА СОТИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ

ШАРТЛАРИ

Ғалла ҳосилдорлигини ошириш, дон етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтириш учун ўтказилаётган социалистик мусобақада районлар, колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликлари ҳамда камида 40 гектар суғориладиган ерда дон етиштирадиган ихтисослаштирилган бригадалар иштирок этадилар.

Қуйидагилар социалистик мусобақа ғолиблари ҳисобланадилар:

— ғалла ҳосилини йиғиштириб олиш ва тайёрлаш даврида — ҳосилни йиғиштириб олишда, янчишда ва давлатга сотишда энг юқори суръатларга эришган ва керакли миқдорда уруғлик фонди жамғарган районлар, колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликлари;

— йил якуни бўйича — дон етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларни бажарган ва ҳар гектар майдондан қуйидаги миқдорда ҳосил олган районлар, колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликлари ҳамда бригадалар:

(центнер ҳисобида)

	Бошоқли дон экинларидан		Маккажўхоридан	Шолидан
	лалмикор ерда	суғориладиган ерда		
Районлар	18	30	90	65
Колхозлар, совхозлар, ва бошқа давлат хўжаликлари	20	35	95	70
дончиликка ихтисослаштирилган бригадалар	20	40	100	75

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ ЯКУНЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

Районлар, колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат хўжаликлари ўртасидаги социалистик мусобақага область қишлоқ хўжалиги, нон маҳсулотлари бошқармалари, область статистика бошқармаси, «Ташсадвинсовхоз» трести, Тошкент области бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича давлат инспекциясининг тавсиялари билан икки босқичда якун ясалади.

БИРИНЧИ БОСҚИЧ: ғалла ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга сотиш даврида — календарь иш графигининг бажарилишига мувофиқ ҳар беш кунда. Ғалла ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга сотишда юксак суръатларга эришган район колхоз ва совхозга Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи берилади ва социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратилади.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ: йил якуни бўйича социалистик мусобақа шартларига мувофиқ дон экинларидан мўл ҳосил олган, дон етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан социалистик мажбуриятини бажарган илғор район, колхоз ва совхозга доимий сақлаб қолиш учун Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи берилади ҳамда социалистик мусобақа ғолибларига сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратилади.

Йил якунига кўра илғор ғаллакорлар область партия комитети ва область ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланадилар ҳамда уларга Москва шаҳридаги Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасига бориш учун йўлланмалар берилади.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР

ТЕҲРОН, 9 апрель. (ТАСС). Эрон маъмурлари мамлакатдаги шоҳпараст унсурлар ва бошқа реакцион унсурларнинг аксилинқилобий ишларининг пайини қирқиш борасида қатъий чоралар кўрмоқдалар.

Ағдарилган шоҳ режимининг таниқли давлат амалдорлари ва ҳарбий амалдорларидан яна бир неча киши кейинги кунларда Эрон суди олдида жавоб берди ва қатл этилди. Айни вақтда халққа қарши шафқатсиз репрессияларда, тинч намойишчиларни қўпорувчилик ва Эрон миллий бойликларини талон-тарож қилишда иштирок этиб, ўзларига доғ туширган собиқ министрлар, давлат амалдорлари, шоҳнинг маҳфий САВАК полицияси агентларини ва бошқа шахсларни қидириш давом этмоқда.

Эрон ахборот ва пропаганда министрининг ўринбосари М. Момкенанинг айтишича, шоҳ режими билан ҳамкорлик қилган журналистлар матбуот органлари, радио ва телевидениедан бўшатиладилар. Тергов жараёнида айби исботланган кишилар адолатли жазо оладилар.

Мамлакат ҳарбий денгиз кучларининг қўмондони вице-адмирал А. Маданий Теҳрон телевидениесининг мухбири билан суҳбатда Эрон қуролли кучларининг янги вазифаларини эълон қилди. Шоҳ режими ағдарилганлиги натижасида, деди у, Эроннинг ҳарбий стратегик сиёсати тубдан ўзгарди. Эндиликда қуролли кучлар халқаро империалистик кучларнинг эмас, балки халқ манфаатларининг ҳимоячилари сифатида қурашмоқдалар. Биз региондаги жандарм ролидан ҳамда қуроллар ва ҳарбий техниканинг жуда катта туркумларини етказиб бериш тўғрисида шоҳ режими тузган битимлардан воз кечдик, деб ўқтирди А. Маданий. Ҳозирги вақтда Эрон қуролли кучлари олдида икки бош вазифа: давлатнинг чегараларини ҳимоя қилиш ҳамда шу билан бирга мамлакатни иқтисодий, социал ва маданий ривожлантириш планларини амалга оширишда иштирок этиш вазифаси турибди. Чунончи, жанубий соҳилда қурилган икки ҳарбий денгиз базаси ҳозиргинг ўзидаёқ балиқ овлаш флотининг эҳтиёжлари учун қайта ускуналанмоқда.

ТЕЛБАЛИК СИЁСАТИ

СОФИЯ, 9 апрель. (ТАСС). СССР билан ХХР ўртасида дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида Пекиннинг бир томонлама қарори ҳозирги Хитой раҳбарларининг ҳаддан ташқари антисоветизми ва хатарли авантюризм сиёсати ҳар қандай мулоҳазалардан устун турганлигини яна кўрсатиб берди, деб ёзади «Работническое дело» газетаси.

Ҳеч шубҳа йўққи, Пекин ўзининг гегемонизм, агрессия ва территорияларни даъво қилиш хатарли йўлини кучайтириш, Хитой халқи ўртасида унинг самимий ва содиқ дўсти — Совет Иттифоқига нисбатан душманчилик туғдириш мақсадида мана шу телбаларча қарорни қабул қилганлигига эътиборни жалб этади.

Мана шуларнинг ҳаммаси Хитой раҳбарларининг империализм кучлари билан тобора тил бириктираётганлиги тамомила антисовет, антисоциалистик негизда амалга ошираётганлигини кўрсатувчи далилдир. Хитой раҳбарлари Хитой халқи қурбонининг энг оғир ва мураккаб даврида унинг революцион ғалабаларини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашда ҳал қилувчи омил бўлган ҳужжатни бекор қилдилар.

МАМЛАКАТ МАНФААТЛАРИГА ХИЛОФ ИШ ҚУРИШМОҚЧИ

МАДРИД, 9 апрель. (ТАСС). Испаниянинг тараққийпарвар жамоатчилиги муайян доираларнинг мамлакатни НАТО ҳарбий блокига жалб этиш йўлидаги уринишларидан қаттиқ ташвишланаётганлигини изҳор қилмоқда.

Испания социалистик ишчи партиясининг Мадридда чиқадиган «Информасьонес» газетасида эълон қилинган баёнотида бундай дейилган: Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти Ғарбий Европа мамлакатларида капиталистик тартибни, аввало АҚШнинг Европадаги манфаатларини ҳимоя қилиш учун махсус тузилган ҳарбий-сиёсий пактдир. Испания социалистик ишчи партияси Испаниянинг НАТОда қатнашувига кескин равишда қарши чиқади ва бунга ҳалақит бериш учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўради.

Испания мутахассисларининг фикрича, Испаниянинг НАТОга аъзо бўлиб киришдан воз кечиши мамлакатнинг манфаатларига мувофиқдир. Бу чора Испаниянинг кенг ва мустақил сиёсатни амалга ошириши учун имконият яратиб беради. Ўнг кучлар, дейилади баёнотда, Испанияни НАТОга тезроқ қабул қилишга интилмоқдалар. Аммо аҳолининг кўпчилиги роза бўлмаган тақдирда Испания ҳарбий-сиёсий иттифоққа қўшила олмайди.



ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Копршвица шаҳридаги «Татра» автомобиль заводи ишлаб чиқараётган қудратли юк машиналари СССРнинг турли районларидаги қурилишларида, кон-рудэ корхоналарида кенг қўлланилмоқда. Унинг айрим турлари Чекка Шимол шароитида ишлатиш учун мўлжалланган. Суратда: «Татра-Арктик» юк автомобили йиғилмоқда.

ЧТК—ТАСС фотоси.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

БЕРЛИН, ГДР. Экспорт қилаётган буюмларнинг 50 процентдан кўпроғи республиканинг металл ишлаш корхоналарида тайёрланмоқда. Бу — ана шу соҳада ишловчи 1,3 миллиондан зиёд механиқаш мамлакат экономикасини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшаётганлигини яққол тасдиқлайди. Металлургия саноатининг механиқашлари ўз байрами — металлистлар кунини нишонладилар. Шу воқеага бағишлаб Зуле шаҳрида ўтказилган тантанали мажлисда илғорлардан 100 дан ортиқ киши «ГДРнинг хизмат кўрсатган металлисти ишчиси» деган фахрий унвонни олишга сазовор бўлди.

ЛИССАБОН. Португалияда алдамчилик ва луҳмат кампанияси яна нучайиб кетди. Бу кампаниядан кузатилган мақсад — маъмурларнинг конституцияга қилоф сиёсатини ва ер ислоҳоти ўтказилаётган зонада репрессияларни оқлашдир. Португалиянинг Алентежу вилояти кооператив ва коллектив хўжаликлар секретариатининг бу ерда эълон қилинган баёнотида шу ҳақда гапирилади. «Бу кампаниянинг ташкилотчилари, дейилади баёнотда, қишлоқ хўжалик министрлиги амалдорларининг доим қонунга хилоф ишларни қилаётганлигидан жамоатчиликнинг эътиборини четга тортиш, ижтоатлик мақсадида қуролли кучларни аралаштириш, мамлакатдаги вазиятни издан чиқариш ва янги диктатурани ўрнатиш учун шарт-шароит вужудга келтиришга уринмоқдалар».

ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Ж. Картер Америкадаги вилоят газеталарининг редакторлари билан суҳбатда Миср—Исроил сепарат шартномасига тўхталиб ўтди. Президент Фаластин Озодлик ташкилоти халқаро майдонда Фаластин араб халқининг бирдан-бир қонуний вакили сифатида кенг эътироф этилганлигини назар-писанд қилмай, Қўшма Штатлар Фаластин билан муносабат ўрнатиш ниятида эмас, деган гапларни яна такрорлади. Шу билан бирга Ж. Картер фаластинликларни араб халқларининг ҳаётий манфаатларига хилоф равишда тузилган Миср-Исроил сепарат битимини қўллаб-қувватлашга кўндириш учун уриниб кўрди.

ҚОҲИРА. Араб давлатлари Миср-Исроил «сулҳ» шартномасини якдиллик билан қоралаганлиги ва Миср Араб Республикаси раҳбарларининг арабларнинг умумий манфаатларига қилган хиёнатига қарши конкрет тадбирлар кўрганлиги Мисрнинг ҳукмрон доираларини саросима қилиб қўйди. Миср Араб Республикасининг бош министри Халил икки парламент комиссиясининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида бундай деди: Миср араб мамлакатлари ташқи ишлар ва экономика министрлари Багдод конференциясининг араб мамлакатлари иттифоқи штаб-квартирасини Қоҳирадан Тунисга кўчириш тўғрисидаги қарорига «бўйсунмайди».



БАХТЛИ БОЛАЛИК

Болалар шодлиги дилга сочар нур,
Кулгуси гўёки, яшнаган чечак.
Жажжи эркатойлар бахтимиз эрур,
Уларнинг қўлида нурли келажак.
Порлоқ келажакка интилмай нечун,
Нечун сўз қидирмай давримга оид:
Болаларнинг яйраб ўсиши учун
Яратиб берилган барча шароит.

Ҳ. Аввалов фотоэтюди.

АДИБ БИЛАН УЧРАШУВ

ТОШКЕНТ районидаги Алишер Навоий номли колхоз клубида Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Ҳамид Ғулом билан учрашув кечаси бўлиб ўтди. Таниқли ўзбек адибининг 60 йиллик юбилейи олдидан бўлиб ўтган бу учрашувда колхоз меҳнаткашлари ва қўшни колхозлардан ҳам кўплаб кишилар қатнашдилар.

Ҳамид Ғулом билан бирга Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, филология фанлари кандидати Пирмат Шермуҳамедов, шоирлар Омон Матчон ва Муҳаммад Али ташриф буюрдилар. Тошкент район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Толипов учрашув кечасини очиб, юбиляр ҳақида қисқача гапирди. Адибнинг меҳнат кишисини улуғловчи қатор роман ва қиссалари, очерклари, шеърлари ҳамда публицистик асарларини пахтакорлар, саб-завоткор деҳқонлар ҳамиша севиб мутолаа қилишларини таъкидлади.

„Агар сен бўлмасанг, улуғ партиям,
Мамлакат бошидан кетмас эди тун.
Эй, шон-шарафларга тўлиқ партиям,
Раҳмат ярқираган офтобинг учун!

Ҳамид Ғуломнинг «Коммунистлар партияси» деб номланган шеърини ўнинчи синф ўқувчиси М. Зайниддинова ёддан айтиб берганида кеча қатнашчилари уни қарсаклар билан қарши олишди.

Ёзувчи Иброҳим Раҳим, филология фанлари кандидати Пирмат Шермуҳамедов адибнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида сўзлаб бердилар.

Карл Маркс номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамон Ғуломмаҳмуд Абдуллаев, А. Навоий номли колхоз раиси Нодир Боймуҳамедов, Ленин номли колхоз хотин-қизлар советининг раиси Тошхон Сафарова ва бошқалар сўзга чиқиб, адибни табаррук 60 ёши билан муборакбод этдилар. Учрашув сўнггида Ҳамид Ғулом А. Навоий номли колхознинг фахрий аъзолигига қабул қилинди.

Й. ТОЖИБОЕВ,
Р. ШОДИЕВ.

ҲАМЗА ЮБИЛЕЙИГА

Яқинда Тошкент шаҳар Куйбишев район 248-мактаб ўқувчилари томонидан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 90 йиллик юбилейига бағишланган кеча ўтказилди.

Тошкент трактор заводининг кенг ва ҳашаматли маданият саройига ота-оналар, ўқитувчилар, ишчилар ва кўплаб мактаб ўқувчилари йиғилди. «Ҳамза ҳамиша барҳаёт» шиори остида ўтган бу кечада Ҳамзанинг ҳаёти ва ижоди ҳақида 10-синф ўқувчиси Умриниса Қўчқорова, Ҳамза драматургияси ҳақида 10-синф ўқувчи Абдуғаффор Мадазовлар доклад қилишди. «Бой ила хизматчи» драмасидан Ғофир монологини мактаб ўқувчиларидан Сухб Муҳамедов, Жаҳонгир Тоировлар, Жамила монологини Галия Бугубоева, яна бир қанча ёшлар эса Ҳамза шеърларидан ўқиб бердилар. Айниқса, саҳнага қўйилган Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмаси ҳамманинг диққатини ўзига жалб этди.

Спектаклдаги Солиҳбой (10-синф ўқувчиси У. Усмонов) Ғофур (9-синф ўқувчиси М. Собиров), Гулбаҳор (9-синф ўқувчиси Д. Алимова), Жамила (9-синф ўқувчиси Н. Тошпўлатова), Ҳожиона (10-синф ўқувчиси М. Жалилова) ролларини ўқувчилар маромига етказиб ижро этишди.

Мактаб ўқувчиларининг катта саҳнада қўйишган спектаклига Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Учқун Раҳмонов раҳбарлик қилди.

Йиғилганлар «Ҳамза ҳамиша барҳаёт» мавзуидаги юбилей кечасига атаб залда ташкил қилинган кичик экспонат, илмий, адабий, дарслик материалларини ҳам мароқ билан томоша қилдилар.

Олия АЗИМОВА,
республика актёрлар уйининг директори.

ҲАММА ЯХШИ НАРСА БОЛАЛАРГА

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида «Энг яхши моллар — болаларга» деб номланган кўргазма намойиш қилинмоқда. Бу ерда енгил саноат, озиқ-овқат саноати, маҳаллий саноат ва бошқа министрликларга қарашли ўнлаб саноат корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотлардан намуналар қўйилган. Тикувчиларнинг бир-биридан бежирим ва чиройли кийимбошлари, Янгийўл мебель фабрикасининг «Орленок» буюмлари, кичкинтойлар учун чиқарилган кровать, шкафлар, стол ва стуллар, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг болалар аравачалари, «Узплодовощвинпром»нинг мева шарбатлари, «Қизил тонг», «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги», шунингдек, Қўқон Андижон, Самарқанд тикув корхоналарининг энг кейинги моделларда яратган маҳсулотлари кўргазмадан ўрин олган.

Чирчиқ, Янгийўл, Фарғона корхоналарида ишланган пойафзал маҳсулотлари, Тошкент кўн-мўйна заводи спорт маҳсулотлари фабрикаси коллективлари кўргазмага қўйган намуналар ҳам томошабинлар эътиборини тортмоқда.

Намойиш этилаётган кўргазмалар сафидан музика асбоблари, болалар ўйинчоқлари ҳам ўрин олган.

Республикада кичкинтойлар учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва сифати тобора ортиб боряпти. Фақат енгил саноат министрлигига қарашли корхоналарнинг ўзида бу йил 340 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
11 АПРЕЛДАН БОШЛАБ
ЯНГИ ПРОГРАММА
КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

Опа-сингил АВДЕЕВАлар ижросида
«СЕМАФОР-ГИГАНТ» АТТРАКЦИОНИ
Михаил СИМОНОВ раҳбарлигидаги
«АЙИҚЛАР АТТРАКЦИОНИ».

Янги цирк санъат асарлари Бутуниттифоқ кўригининг лауреати; «ГУСАР ҚИССАСИ» бадиий фильмининг қатнашчиси, Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист Валерий ДЕНИСОВ ижросида
«ЧАВАНДОЗЛИКНИНГ ОЛИЙ САНЪАТИ»
Масхарабозлар Юрий САВЕЛЬЕВ ва Александр ЛОГИНОВлар ижросида
ИНТЕРМЕДИЯЛАР ВА РЕПРИЗЛАР

Томошалар соат 19.30 да, шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.
Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.
Ташкилотлар, болалар муассасалари, мактаблар, колхозчилар ва совхозлардан коллектив заявкалар қабул қилинади ва уларга район кассирлари хизмат кўрсатади.

«УЗБЕКХЛОПКОМАШ» бирлашмаси базасидаги
ТОШКЕНТ ШАҲАР
95-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—80 ЎҚУВ ИИЛИ УЧУН
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: универсал токарь, фрезерчи, электр-газ пайвандчи, автослесарь, механика-йиғув ишлари слесари, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, штампларни тайёрлаш ва ремонт қилиш бўйича слесарь-асбобсоз.

8—10-синф ҳажмида маълумотли йигитлар ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1—2 йил.

Ўқувчилар 3 маҳал бепул овқат, кундалик ва иш кийимлари билан таъминланадилар. Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Билим юрти ҳузуридаги кечки-сиртқи ўрта мактаб ишлаб турибди.

Билим юртини битирганлар олий ўқув юртлари ва техникумларга имтиёзли шартларда қабул қилинадилар.

Билим юртида спортнинг кураш, самбо, футбол, волейбол, картинг турлари бўйича секциялар; фото, техника ижоди, ёғочга ўйиб гул солиш тўгараклари, вокал-инструментал ансамбли ишлаб турибди.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур: директор номига ёзилган ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисида ҳужжат, характеристика, турар жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат.

Мурожаат учун адрес: 700077, Тошкент шаҳар, Куйбишев райони, Владимирский переулоги, 15-уй (4-автобуснинг «Дружба» кинотеатри» бекати). Телефон 66-85-85.

Ўзбекистон ССР хунар-техника таълими давлат комитети
«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» қошидаги
171-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—1980 ЎҚУВ ИЛИГА
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БУЁҚЧИЛАР, БУЁҚЧИ-АЛЬФРЕЙЩЧИКЛАР, СУВОҚЧИЛАР, ҚУРУВЧИ ДУРАДГОРЛАР, ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИЛАР, ЭЛЕКТР-ПАЙВАНДЧИЛАР, ГИШТ ТЕРУВЧИ-МОНТАЖЧИЛАР, ДУРАДГОР-ПАРКЕТЧИЛАР.

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, кийимкечак ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент иш ҳақи билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳо билан туғатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

ОБЛАСТЛАРДАН КЕЛГАНЛАР ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, соглиғи ҳақида справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, турар жойидан справка, мактабдан характеристика, таржимаи ҳоли.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9.00 ДАН БОШЛАБ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри—81, Домбробод кўчаси, 74-уй (54, 33, 50, 70, 34, 103, 80-автобусларнинг «16-поликлиника», 84-автобус, 16-троллейбуснинг «Домбробод» бекатлари). Телефон: 77-49-53.

ЎЗБЕКОВ ОПЕРАЦИЯСИ

[«Ефрейторнинг кундаликлари»дан]

Ярим кечада каттакон бир кўл бўйига етиб бордик. Унинг нариги томони сийрак ўрмонзордан иборат бўлиб, сарвқомат арчалар нимтатир ой ёғдусида кўзга қорайишиб кўринарди.

Қайси бир разведкачи: «Балиқчиларни қўлга туширдик, шайланиб туринглар, яна бироздан сўнг кўлнинг нариги бетига суза бошлаймиз», деб келди. У изига бурилмасданоқ, команда берилди:

— Сафланинг!

Бир зумда сафга тизилдик.

— Тағин икки соатдан сўнг кўлни сузиб ўтишга киришамиз. Узоғи билан бир соатда нариги қирғоққа бўлишимиз шарт! — деди батальон командири. — Қани кўнгиллилар бормі? Хоҳловчилар бўлса — беш қадам олға!..

Бутун бир батальон жангчилари беш марта гурс-гурс қадам ташлаб, олдинга чиқишди.

Буни кузатиб турган полк командири ҳам тўлқинланганидан:

— Баллӣ, бургутларим! — деб юборди.

Бояги балиқчилар немис разведкачилари экан. Улар граждан кийимида қайиқларда бериги қирғоққа сузиб ўтиб, кўлга тўр ташлаганча атрофни кузатишаётган экан. Бизнинг разведкачиларимиз эса ҳийла ишлатиб, худди ўшалардек кийиниб, автоматлар оғзини уларга тўғрилаб тўппа-тўғри устига бостириб боришибди. Ўша заҳотиёқ қуролсизлантириб қайиқларини тортиб олишибди.

Мен буни кўлда сузиб бораётганимизда сездим: Биз бир қайиқда ўн бир киши эдик. Ўн жангчи икки группага бўлиниб, эшкак эшиб боряпмиз-у, граждан кийимидаги бир одам бошини қуйи солганча бемалол ўтириб келяпти. Энди қирғоққа яқинлашган ҳам эдикки, у немис тилида алланималар деб бақириб юборди.

— Лаънатининг оғзига пайтава-майтава тиқмаган экансизларда! — деди группамиз бошлиғи сержант Сахаров унинг оғзини йўғон бармоқлари билан бекитаркан.

Гитлерчининг нафаси ичига тушиб кетди.

Қирғоққа кўтарилишимиз бизнинг бирдан сим тўсиқларига дуч келиб тўхтаб қолдик.

— Ўққа келинглар! — деган хира товуш эшитилди. Сахаров бизни ўшаёққа бошлади. Борсак, сим тўсиқнинг бир жойи очиқ. Саперларимиз немислар кўмиб қўйган миналарни зарарсизлантириб олиб ташлаб, шу ердан ўрмондаги ҳайвонот боғига йўл очишибди.

— Ие, ҳайвонот боғини кўршаб олган эканмиз-да! — дедим ичимда.

Ҳайвонот боғидаги эгар-жабдуқсиз, ҳатто беюган байталларни нўхталаб миниб олдикда, ўрмон оралаб кетдик.

Сахаров кўпни кўрган, уруш бошлангандан буён фронтнинг олдинги чизиқларида жанг қилган, душманнинг орқа томонида ҳам бир неча бор бўлган. Иморатга яқинлашганимизда ғира-шира тонг отаётган эди. Энг четдаги эшик ғийқ этиб очилди.

— Ана, соқчи ташқарига чиқди, — деди Сахаров бикинимга туртиб. — Ҳойна-ҳой «бир иши» бўлса керак. Утиргандан ўрнида дафн этасан, югур!

Немис соқчиси чиққан томонга югурдим. У шинелини белигача кўтариб энди ўтирмоқчи бўлаётган экан. Орқасидан бориб автомат қўндоғи билан нақд бўйнига туширдим. Инқиллашга ҳам улгурмади.

Эшикка югурдим. Моторлар гувуллай бошлади. Кўз олдим бирдан чарақлаб кетди. Бино пештоқидаги «Енғинга қарши кураш командаси» деган ёвузга кўзим тушди. Ичкаридан ўт ўчириш машиналари бирин-кетин чиқиб кела бошлади.

— Об-бо, Сахаров амакиси тушмагур-ей, — дедим ичимда. — Орамизда жангчи шоферлар ҳам борлигини ҳеч кимга билдирмабди-я! Нима, бу ҳар бий сирми?

— Урушда сир сақлай билиш керак! — дегандай бўлди кимдир.

— Ефрейтор, бу ёққа кел! Сержант Сахаровнинг таниш овозини эшитиб, ўша ёққа югурдим. Тош йўлнинг бир четида туриб у «Пожарная» машиналарини санаяпти.

Мен соқчини «сарэнжомлаб» келгунимча бизникилар ўт ўчириш машиналарини ўлжа олиб, Сахаровнинг буйруғини бажаришга шай бўлиб туришган экан.

Тонготар сукунатини «Пожарная» машиналарининг чинқироқ товушлари бузди. Шаҳарча кўчалари бўйлаб «Пожарная»лар ўқ отмасдан елдек учар экан, фашистлар ёқа ушлаб ҳангу-манг бўлиб қолишди. Ярим соат ичида немис комендатурасини босиб олдик.

Шаҳар комендантининг рафиқаси— гестапо ходими Шульц деган хоним ҳатто ёстиғи остидаги тўппончасини олишга ҳам улгуролмади...

Эрталаб комендатурага бир кампир кириб келди.

Кампир қўллари билан имо ишора қилиб, туғруқхона борлигини тушунтиришга уринарди.

Туғруқхона шаҳарчанинг четроғида, кичик бир дарё бўйида экан. Шаҳарчани биз эгаллаганимизни бу ердагилар ҳали билишмас экан. Отишма бўлмагач, қаердан ҳам эшитсин, шўринг қурғурлар!

— Мен ҳам сизлар билан бирга бораман,— деб оёқ тираб олди бояги кампир туғруқхонага яқинлашганимизда.

Таржимон кампир билан қисқагина гаплашиб олди.

Маълум бўлишича, кампир антифашист ёшлар ташкилотининг маслаҳатчиларидан бири экан. У махсус топшириқ билан бу ерга юборилган экан. Ҳужжатини уйида қолдирганини айтди. Шундай бўлса-да, уни ўзимиз билан бирга олишга розилик билдирмадик. Бирор фалокат рўй бермасин тағин, деб шу ерда — пана жойда қолдирдик. Вақт тиғизлигини билиб кампир ҳам йўқ демади: «Майли, сизларни шу ерда кутаман», деб қолди.

Ўқ отмасдан туғруқхонани қуршаб олдик. Мудраб ўтирган аёл бизнинг қандай қилиб кириб борганимизни сезгани йўқ.

Кутиб турдик. Нима бўлди-ю у қўлларини баландга чўзиб, бир керишиб олди ва кўзларини очганча бизга қараб турмулиб қолди. Хоналарга бостириб кирдик. Бош врачнинг кабинетида эрталабки «планлаштириш» бошланган экан. Ходимларнинг ҳаммасини йиғибди. Эллик кишича бор.

— Бош врач ким?— деб сўрадим.

Барваста аёл эринчоқлик билан ўрнидан туриб, аста-секин қадам ташлаб ёнимга келди. Юзларидан қон томади. Кўзлари тулкиникидай ўйнайди. Ҳали қирққа ҳам кирмаган йўғу, неча қирқталаб боланинг қонини сўрганга ўхшайди. У менга бир тикилди-да, яна кўзларини олиб қонди.

— Оналар, болалар қани?

Худди шу гаплар оғзимдан чиқар-чиқмас, эшик орқасидан овоз эшитилди:

— Ҳаммаси подвалда, махсус хоналарда!

Буни эшитиб, немисларнинг кўзи хонасидан чиқиб кетгудек бўлди. Улар эшикдан кириб келган оқсоч немис аёлини кўриб, ўтирган жойида қотиб қолишди. У —бояги антифашист кампир эди...

Подвалга тушдик. Инқиллашлар, биғиллашлар, оҳ-воҳ деган товушлар тобора баландроқ эшитиларди. Бир четда мурғаккина чақалоқ онасининг кўкрагига ёпишганича бошини сарак-сарак қилиб нажот излайди, тамшанади. Волидаси эса ёруғ дунё билан абадий хайрлашган, қонсиз, жонсиз мурда бўлиб ётибди. Сал нарироқда яна қанчадан-қанча чақалоқлар биғиллайди. Оналарининг қонини гитлерчилар сўриб олиб, махсус шишаларда Германияга жўнатишган, — дейди антифашист онахон нафратланиб.

Чироқ йилт этди.

— Буёққа, бир дақиқагина! — деб таклиф этди антифашист ёшлар ташкилотининг маслаҳатчиси, ҳалиги онахон.

— Бу қанақа ваҳшийлик! — йиғлаб юборди у ўзини тўхтата олмай. — Лаънати Гитлернинг онаси ҳам тўлғоқ азобини тортганмикин-а?

Подвал тўридаги бир эшиклик, ойнасиз бу хонада-зах ерда ёшгина ўғил болалар ётибди. Баъзилари уч ойлик, айримлари олти ойлик, бир-икки яшар болалар ҳам кўп. Ҳали баданида илиқ тафт борлари ҳам йўқ эмас, бироқ уларни ҳаётга қайтариш қийин. Пахтадай оппоқ оқариб ётибди, баданларида қон сўриб олувчи игна, шприц излари қолган. Антифашист онахон кўз ёшларини бармоқлари билан сидириб ташлашга улгуролмай сенайди: бир, икки, уч, беш, ўн, йигирма, ўттиз... эллик... эҳ-ҳе, ҳисоби йўқдай...

— Ғудакларда нима гуноҳ, қани айтингчи, жаноби врач?! — деди полковник қатъий оҳангда.

Мен врачни полковник ҳузуридан олиб чиқиб кетар эканман, эшик ёнида турган сержант Сахаров ҳазиломуз кулиб, оҳистагина қулоғимга шивирлади:

— Шу билан «Ефрейтор Ўзбеков операцияси» тамом бўлди, оғайни.

Сахаров нега бундай деган экан, деб кўп ўйлаб юрдим. Кейинчалик эшитсам, бу операцияни у ўзича шартли равишда шундай деб номлаган экан.

1944 йил, 29 ноябрь.

С. ҚОДИРОВ.

ЯШИЛ ЗОНАЛАР

Баҳор келиши билан ҳамма ёқда ишлар жонланиб кетди. Ешу—кекса кўчага чиқиб, теварак атрофни тартибга келтиряпти. Ариқлар бўйига мевали, манзарали кўчатлар, гуллар ўтқазмоқда.

Шаҳримизда ҳозир кўкаламзорлаштириш бўйича икки ойлик давом этмоқда. Октябрь, Киров, Куйбишев районларида кўчат ўтказиш ишлари намунали ташкил этилган. Янги тушган массивларда микроҳиёбонлар яратилмоқда. Ўтган ойларда 78 та ҳиёбон вужудга келтирилди. Улардан 6 таси Сергели районида яратилди. Қорақамиш ва Қўйлиқ массивларида, янгидан бунёд этилаётган Марказ-24 да янги-янги ҳиёбонлар бунёд этилди. Бу ҳиёбонларни яратишда район меҳнаткашларининг ҳиссалари катта бўлмоқда. Биргина Сергели районининг ўзида 30 мингга яқин дарахт кўчатлари, 80 минг туп «яшил тўсиқ»лар ўтқазилди.

Кўкаламзорлаштириш ойлигида шаҳар халқ маориф бўлими, маданият ва уй-жой бошқармаларига қарашли ташкилотлар актив қатнашмоқдалар. Улар белгиланган вазифаларни муддатида адо этиб, янги-янги яшил зоналар яратдилар.

БИЛИМ МАНБАИ

Тўйтепадаги район болалар кутубхонасида «Ҳар доим бўлсин қуёш» деб номланган китоб кўргазмаси ташкил қилинди. Халқаро болалар йилига бағишланган бу кўргазмага кичкинтойлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи асарлар қўйилган.

Ўрта Чирчиқ районида бундай тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Районда ҳозир 50 та оммавий кутубхона китобхонлар хизматида. Ўтган йилнинг ўзида китоб фонди 23 минг нусхага кўпайди. Китобхонлар сони салкам 30 минг кишига етди.

Ўтган йили китобхонлар ўртасида 64 марта конференция ва кечалар уюштирилди. Юзлаб китоб кўргазмалари ташкил қилинди. Тўпланган тажрибалар асосида китоб пропагандаси ҳам кенг йўлга қўйилмоқда.

Бу йил китобхонларга хизмат кўрсатишни марказлаштириш тадбирлари қарор топяпти. Махсус библиобуслар китобларни филиалларга ўз вақтида етказиб бермоқда.

М. ЗАРИПОВ.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ТОШКЕНТДА ПОЛЬША КУНЛАРИ

Мамлакатимизда Польша маданияти кунлари давом этмоқда. Шу муносабат билан шаҳримизда Польша маданияти ва санъати ютуқларини ҳикоя қилувчи кўргазма ташкил қилинди. Жумладан, Тошкент грампластинкалар уйида очилган Польша грампластинкалари кўргазмасини кўпчилик қизиқиш билан кўздан кечирмоқда. Сотувга чиқарилаётган 50 минг донадан ортиқ грампластинкаларда Польша Халқ Республикасининг мусиқачилари, хушовоз қўшиқчилари ижро этган жозибадор қўшиқлар ёзилган.

Польша кунлари давомида тошкентликлар қардош мамлакат маданияти билан яна ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Спорт

ТОШКЕНТ БАҲОРИ ТУРНИРИ

Тўйтепадаги «Юбилей» стадиони хоккей мухлислари билан гавжум. Бу ерда Тошкент область комсомол комитети соврини учун чим устида хоккей бўйича Бутуниттифоқ иккинчи турнири старт олди. «Тошкент баҳори» деб номлаган турнирда республикамиз вакиллари қатори иттифоқдош республикалардан келган командалар ҳам иштирок этишмоқда.

Биринчи кун бўлиб ўтган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Енбек» (Ленииногорск) — «Буревестник» (Самарқанд) — 4:0, «Юность» (Тошкент) — «Энергия» (Новосибирск) — 0:2, «Буревестник» (Барнаул) — Олмаота спорт маҳорати мактаби — 0:8, «Пахтакор» (Оққўрғон) —«Спартак» (Ульяновск) — 0:2.

Кеча иккинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди.

ЯНА ҒАЛАБА

Эркин кураш бўйича СССР терма командаси бундан бир ҳафта муқаддам АҚШнинг Толидо шаҳрида жаҳон Кубоги учун мусобақаларда қатнашиб, бош совринни қўлга киритган эди. Спортчиларимиз АҚШ полвонлари билан бўлган якунловчи учинчи учрашувда ҳам 7:3 ҳисобида ғолиб келишди. Калифорниянинг Анахайма шаҳрида қатнашган спортчиларимиз орасида республикамиз вакили Ҳасан Зангиев ҳам иштирок этди. 82 килограммгача вазнлилар ўртасида беллашган спортчимиз командамиз ғалабасига салмоқли ҳисса қўшди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Кеча мамлакат чемпионати олий лигаси қатнашчилари мавсумнинг учинчи тур ўйинларини ўтказдилар. Ўтган кун эса иккита ўйин бўлди. Олмаота футболчилари қаторасига ўз майдонларида икки марта ютқазганларидан кейин москванинг «Торпедо» командаси билан бўлган учрашувни натижасиз дуранг қилишди. «Черноморец» эса ўз майдонида Ленинграднинг «Зенит» командасига 1:2 ҳисобида ютқазди.



ЎЗБЕКИСТОН XVIII спартакнадаси программаси асосида ўтказилган қиличбозларнинг мусобақаларида бир қатор ёшлар ўзларини кўрсатдилар. Энг кучлилар яқинлашиб келаётган СССР халқлари ёзги спартакнадасида Ўзбекистон спорт шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Суратда: мусобақа пайти.

А. Рисқиев фотоси.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильмлар. 10.35 — Строговлар. Бадиий фильм. 5-серия. 11.40 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Меҳнатинг-иқболинг. 16.00 — Жонажон табиат. 16.25 — Мураббий. 16.55 — Концерт. 17.25 — Сифат — бош йўналиш. 17.40 — Горнчилар қаердасиз! 18.10 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 19.55 — Космонавтика кунига бағишланган тантанали йиғилиш. Союзлар уйининг Колонна залидан олиб кўрсатилади. 21.30 — Вақт. 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Тбилиси) 23.45 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Химиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильмлар. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — Ўзбекистон автомобиль транспортида бригада хўжалик ҳисоби. 18.00— Хорда фанат ўғил болалар. 18.15 — Ёшлик. 18.45 — Ахборот. 19.00 — Онкологларнинг Бутуниттифоқ III съезди. 19.30 — Илҳом. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Опера театрининг солистлари. 21.30 —Вақт. 22.00 — Пиллакорларнинг муҳим вазифалари. 22.15 — Самомен билан. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 —Болалар учун фильм. 20.30 — «Тошкент» телепрограммаси. 21.00 — Янгиликлар.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/IV да **Оққуш кўли.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/IV да **Ғариблар**, 12/IV да **Келинлар қўзғолони.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/IV да **Гулбаҳор қани**, 12/IV да **Она юзим.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/IV да **Тўй муборак, қари қиз**, 12/IV да **Бадбашара ёхуд Эзоп.**

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент —П, ЛЕНИН кўчаси, 41. Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 329353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 07189. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2370.